# Qishloq HAYOTI

2004 YIL 5 FEVRAL, PAYSHANBA

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 17-18 (6.699). Sotuvda erkin narxda


## БУГУНГИ СОНДА:


ВАХШИЙЛИК (1-2-саҳифаларда)

ЖАҲОН ТАН ОЛГАН ҚАДРИЯТ (1-6-саҳифаларда)

ҲАҚҚОНИЙ ИШҚ (1-6-саҳифаларда)




### КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси ЮСАИД - АҚШнинг халқаро тараққиёт агентлиги билан ҳамкорликда Бухорода ташкил этган қирқ кунлик ўқув-семинар банкротлик ишига алоқадор мутахассисларни қайта тайёрлашга қаратилган.

● Республика таълим марказида «Алишер Навоий ижодида меҳр ва мурувват ғоялари талқини» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

● Чорток тумани Гулдиров қишлоғида шахмат ишқибозлари ташаббуси билан ушбу қадимий ақлий ўйин бўйича қишлоқ биринчилиги ўтказилди.

● Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги «Яланғоч» даҳасида «Умид» болалар спорт мажмуи фаолият кўрсата бошлади.

● Бухоро вилоят марказидаги ҳарбий қисмда сафарбарлик чақируви резерви хизматига жалб этилган юз нафар йигит ҳарбий қасамёд қабул қилди. Улар бир ойлик ўқув машғулотлари давомида ҳарбий соҳанинг ўзига хос жиҳатларидан сабоқ олди.

● Жондор туманидаги уч мактаб туман ҳокимлиги ва ҳомийлар кўмаги билан, замонавий компьютер синфларига эга бўлди.

● Меҳр ва мурувват йили муносабати билан Қорақалпоғистонда «Энг меҳрибон қўшни» танлови бошланди.

● Пойтахтимиздаги 22-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига Халқ таълими вазирлиги томонидан Қурбон ҳайити муносабати билан байрам дастурхони ёзилиб, уларга кийим-кечак, пойафзаллар ҳамда турли ўқув қуроллари, бадиий адабиётлар ҳадя этилди.

● Қарши шаҳрида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, Ўзбекистондаги ижтимоий жараёнларни демократлаштириш ва эркинлаштиришга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Андижон шаҳридаги Султон Жўра маҳалласида тиббий пункт очилди.

● Тошкентда суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашдаги роли ва унинг ёритилишида оммавий ахборот воситаларининг ўрнига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.



**Асакалик Маъруфжон Зулунов 30 йилдирки темирчилик билан шуғулланиб келади. Унинг ота-боболари ҳам темирчи ўтишган. Шу боис бу касбнинг сир-асрорларини яхши билган Маъруфжоннинг устахонасидан мижозлар аримайди.**

**СУРАТДА: М.Зулунов шогирди А.Зокировга темирчилик сирларини ўргатмоқда.**

Х.АРАББОЕВ олган сурат.

## МЕТАЛЛ - БЕБАҲО БОЙЛИК

МАСЪУЛИЯТ

***Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралда қабул қилинган «Қора ва рангли металлар парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш, сақлаш, эҳтиётлаш ва топшириш тартиби тўғрисида»ги ҳамда 2002 йил 18 декабрда қабул қилинган «2003 йилда темир-терсаклар, қора ва рангли металлар парчаларини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларининг ижроси юзасидан жойларда текширув ўтказди.***

Тадбирлар чоғида айрим вазирлик, идора ва корхоналар раҳбарлари томонидан «Ўзиккиламчиранглиметалл» акциядорлик жамияти билан шартнома тузиш ва ижро этишда сусткашликка йўл қўйилаётгани маълум бўлди.Хусусан, металл парчалари тайёрлаш режаси 2003 йилда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясида 21 фоиз, «Ўзавтосаноат» акциядорлик компаниясида 27 фоиз, «В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамиятида 33 фоиз бажарилган.

- Айрим ташкилот ва корхоналар томонидан шартнома шартлари бажарилмагани туфайли рангли металл ва парчалари умуман топширилмаган, - дейди Бош прокуратура умумий назорат бошқармаси катта прокурори, адлия маслаҳатчиси Бахтиёр Жониқулов. -Режаларнинг бажарилмай қолишида кўп ҳолларда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан асосий воситаларни ҳисобдан чиқараётганда улардаги мавжуд қора ва рангли металлар, уларнинг парчаларини белгиланган тартибда топшириш чоралари кўрилмаётгани сабаб бўлаётир.

Жумладан, «Қўқониккиламчиқораметалл» корхонаси раҳбари М.Қодиров корхона томонидан топширилган иккиламчи қора металл парчалари ўрнига «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасидан 2 миллион 882 минг сўмлик 17,2 тонна арматура кам олинганини ҳужжатлаштириб қўйган. Бошқача айтганда қўшиб ёзиш билан шуғулланган. Бу корхонадаги мавжуд қора металл сарҳисоб қилиб кўрилганида ўз исботини топди - 62,2 тонна камомад борлиги аниқланди.

Сурхондарё «Иккиламчиқораметалл» корхонаси раҳбари Э.Мажидов ҳам хусусий корхоналарга 86,7 миллион сўмлик 135,3 тонна арматурани бериб юборган. Корхона омборхонасидаги металлдан эса 1 миллион сўмлик камомад чиқди.

Ҳукуматнинг тегишли қарорларига беписанд муносабатда бўлаётган бундай шахсларга нисбатан қонунда кўзда тутилган чоралар кўрилмоқда.

**(ЎзА)**

АТИГИ ЮЗ САТР

***Ислом динида биринчи шарт имон бўлса, имоннинг биринчи шарти инсофдир. Таассуфки, ҳозир орамизда инсоф деган тушунчанинг йўқолаётганидан нолийдиганлар топилади.***

## ИНСОФИ БОРНИНГ БАРАКАСИ БОР

Бунда баъзилар инсоф анқонинг уруғига айланди деса, яна баъзилар кундузи ҳам инсофнинг соясини кўрмайсан, дейди. Бу бежиз эмас, албатта.

Бозорга тушиб сўмни сўмга улаб болалар тотсин, дея озроқ сарҳил мева олмоқчи бўласиз. Сотувчи беш-олтита мевани тарозида тортади-да, қўлингизга тутқазади. Иккилана-иккилана "Тарози тўғрими?" дея сўрайсиз меваларнинг болаларга етмаслигини ўйлаб. "Нималар деяпсиз? Нега тўғри бўлмас экан? "Уриб" қолади деб ўйлайсизми?"

...Хуллас, сотувчи бир лаҳзада сизни таънаю дашномларга кўмиб ташлайди. Дилини оғритиб қўйдим, дея узр сўраб уйга шошиласиз. Кўнгил-да, уйга бориб ҳам шубҳа ичида мевани тарозида тортасиз. Икки килограмм деб тортилган мева зўрға бир ярим килограмм тош босади...

Ёки бир банка қаймоқ сотиб олиб тезроқ дастурхонга қўйишга ошиқасиз. Афсуски, банкадаги қаймоқ бир-икки қошиқ чиқади, остида эса қатиқ. "Мазали қаймоқ..- олинг, афсус қилмайсиз...Оқликни алдаб бўлмайди, бу ҳақиқий қаймоқ," дея оғзидан бол томиб мақтаган, сочига оқ оралаган сотувчи аёлни эслайсиз...

Кундалик турмушимизда дилхираликка туртки бўладиган шу сингари ҳолатларга бугун тез-тез дуч келаяпмиз. Бунинг сабаби эса юқорида қайд этганимиз – инсофнинг унутилаётганидир, десак, хато саналмас.

Иқтисодий танглик шароитида ҳар қандай киши биргина қора қозонни қайнатиш ташвишида елиб-югуради. Унга бу ҳолатда инсоф ҳақида сўзлаш, ўгит бериш эриш туюлиши табиий. Худди шундай, бизнинг сўзларимиз айни дамларда шу кайфиятда кун кечираётганларнинг ҳам ғашларига тегиши аниқ. Бироқ инсон зийнати инсоф эканлигидан ҳам кўз юмолмаймиз.

Айтадиларки, ўзганинг мулкига, экин-тикинига, уй-жойига кўз олайтирма, ҳар бир кишига, атрофга инсоф кўзи билан боқ. Инсофни бутун вужудингга зеб айла. Шундагина топган-тутганингда, хонадонингда, умрингда барака бўлади.

**Ҳасан ОТАҚУЛОВ,**
**Бекобод тумани.**

## ЯШАСИН, ЯХШИЛИК!

НИГОҲ

***Дунё маданиятининг гултожи инсоният ўзлаштирган, кишиларнинг кўнглига ёруғлик бериб турган одамийлик фазилатлари, ноёб туйғуларнинг бугунги кунда қай даражада тош-торозу босиб тургани билан ҳам белгиланади.***

Уйда ёлғизман. Тобим қочди. Болалар водийга, бувисини кўргани кетишган. Кечаси билан мижжа қоқмадим. Иситмам ошиб, алаҳсидим чоғи. Тонгги ғира-ширада бир амаллаб ўрнимдан туриб, ташқарига чиқдим. Зинадан тушаётиб, қўшним Бахтиёр акага дуч келдим. Ҳорғин ранг-рўйимга зеҳн солиб турди-да, салом-аликдан сўнг:

-Мазангиз йўқми? – деб сўради.

-Кўрмайсизми, гриппчилик... Дорихонага тушаяпман...

-Сиз ўраниб ётинг. Ўзим дори олиб чиқаман...

Унамадим. Тоза ҳавода бир оз юрсам нафи тегар деб ўйладим. Бироқ йўлакка чиқишим ҳамоно тиззаларим қалтирай бошлади. Зўрға бекат ёнидаги дорихонага етиб, керакли дори-дармонларни олиб изимга қайтдим. Терга ботиб уйга кирдим. Яна ётиб қолдим.

Бир маҳал эшик қўнғироғи жиринглади. Эшик очиқ эди. Уйга қўшним Бахтиёр ака кириб келди. Қўлида дастурхонга ўроғлик идиш. Товуқ шўрва олиб келибди. Ёнимда туриб мажбурлаб ичирди. Очиғи, шу кап-катта одамни овора қилганимга ҳижолат тортдим.

Ботинимга ҳароратли бир ҳаловат югурди. Икки кундан бери туз тотмагандим. Кўзим илиниб уйқуга кетибман... Тушга яқин Бахтиёр аканинг ўғли Иброҳимжон лимон-чой ҳамда хўрда олиб келди. Овқатландим.

Кечки пайт оёққа турдим.

Эрталаб Бахтиёр ака кирди. Ҳол-аҳвол сўради.

Менга етти ёт бегона одамнинг меҳрибончилиги, марҳамати кўнглимда алланечук ҳислар уйғотди. Бу воқеа нафақат қўни-қўшничилик риштаси туфайли, балки ўзбекчилик, одамларимизнинг қон-қонига сингиб кетган туйғу – оқибат тушунчаси туфайли содир бўлганлигига иймон келтирдим.

Ўзбекларга хос фазилат, оғир аҳволда бир-бирига таянч, суянч, елкадош бўлиш хислати одамийликнинг энг юксак чўққиси эканлигини яна бир карра англадим.

Бани-башарият уч мингдан ортиқ тилда сўзлашади. Лекин одамзод учун таржимасиз, ортиқча изоҳсиз тушунарли бўлган камёб хислатлар бор. Бу йиғи ва кулгу. Йиғининг ҳам, кулгунинг ҳам таржимаси йўқ Одамзод борки уни тилмочсиз тушунади. Худди шундай ёрдамга, мададга муҳтож кишининг ҳам нигоҳидаги маъно қалб билан, кўнгил билан уқилади, бунга тилмочнинг кераги йўқ.

Қисқаси, бир воқеани ҳикоя қилай:

Кечаси соат бирлар чамаси. Тошкент-Термиз магистралида кетаяпмиз. "Тико" ойнасига гупиллаб лайлак қор урилади. Йўл яхмалак. Ташқари изғирин. Ҳарбийда бирга хизмат қилган дўстим оққўрғонлик Нурмахон рулда. Ёнимда волгоградлик ўрис қуролдошимиз ҳам бор. Сурхондарёга кетаяпмиз.

Нима бўлди-ю, машина Китобга кираверишда силтаниб, тақка-тақ тўхтади. Техника-да. Минг уринсак ҳам қайта ёндириб, юргизишнинг иложи бўлмади. Ташқарининг аҳволи айтганимдай – изғирин. Машина ичи ҳам совий бошлади.

Меҳмоннинг олдида чатоқ бўлди. Йўл муз, ҳаво ноқулайлиги, қор ёғаётгани учун йўлда машиналар ҳам кўринмайди. Бундай ҳавода, бунинг устига кечаси алламаҳалда ким ҳам йўлга чиқарди?

Бир соатлар уриндик, бефойда. Охири "Тико"ни суриб йўл четидаги ҳовлиларнинг темир эшиги ёнига олиб келдик.

Совуқ жондан ўтаяпти. Очиққанмиз. Волгоградлик дўстимиз қаршисида изза бўлганимиз етмагандай, Нурмахон шу совуқда Сурхондарёда нима бор эди, деб тўнғиллагани-тўнғиллаган.

Эшик қоқдик. Ичкарида басавлат бир киши кўринди – изоҳсиз сезди, биз ёрдамга муҳтожмиз. Бизни уйга бошлади.

Кенг меҳмонхонада дастурхонга топганини қўйди. Ҳамма нарса бор. Мезбоннинг қўли кўксида. Икки-уч хил таом пиширди. Уй ичи иссиқ.

Тонггача суҳбат қурдик. Бир оз кўз илингач, эрталаб уйғондик.

Мезбоннинг ўғли "Тико"мизни шатакка олиб, устахонага обориб тузатиб келибди. Эрталабки нонуштадан сўнг хайр-хўшлашиб йўлга чиқдик.

Волгоградлик Мезенцев ҳайрон. Танимаган, билмаган одамнинг уйига тунда кириб, тамадди қилиб, дам олиб кетаётганимиз, бунинг устига машинамизни ҳам тузатиб қўйишгани унинг учун ғайритабиий ҳодиса эди.

Халқимизнинг меҳмондўст, меҳр-оқибатлилиги энди бир умр дўстимизнинг ёдида қолиши табиий.

Хорижий давлатларнинг бирида бўлдик. Тўғри, чиройли. Чор тарафи денгиз – замонавий шаҳар. Ҳамма нарса бор. Тўкин-сочин. Лекин, ҳамма нарса ҳисоб-китобли. Ҳайриятки, бу ерда ҳаво бепул. Ҳатто, кечирасизу, салом-алик ҳам пул билан ўлчаниши мумкиндай...

Хуллас, меҳмонхонада овқатландик. Бир пиёла чой фалон пул. Ҳамма нарса бору, нон йўқ. Шу чойни чойнакда олиб кел, десам анграйиб туришади. Ногаҳон, Ўзбекистонни эсладим.

Ўзбекнинг чойхонасида истаганингча чой ичасан, қозонида тур-тур таом пишади ўзбекнинг. Ўзбек ҳеч қачон таомнинг юзига қарамаган. Ўзбек биринчи ўринда одамгарчиликни баланд қўяди. Дилкашлик бор, дилкушолик бор бизда. Ярим пиёла чойни дафтарнинг юз жойига ёзиб, чўтга солиб тепангда пул талаб қилмайди ўзбек. Ўзбекнинг чойхонасида лаган-лаган қовун-тарвуз туради, хоҳлаганингча егин, кўнглингда бўлса арзимас пул берасан, шунинг нархини сендан сўрашмайди ҳам. Юртимни жаннат деганларича бор экан. Водийми, воҳами қаерда бўлма бағрини очиб қарши олади. Чўнтагингга эмас, кўнглингга қарайдилар... Шунинг учун ҳам ўзбекнинг энг улуғ фазилати деганда дастлаб меҳр-оқибатни тушунамиз.

**Кўчқор НОРҚОБИЛ**

## ФЕРМЕРГА ЭРКИНЛИК КЕРАК

БУГУННИНГ ГАПИ

***Тежамкорлигу ишбилармонлик фермерларга хос фазилат. Замоннинг ўзгарганини қаранг. Бугун фермер, мулкдор деган тушунчалар онгимизга янада чуқурроқ кириб бораяпти. Фермерлар истиқлол қалдирғочлари. Боиси эса аён.***

Фермерлик ҳаракати ривожига айнан ҳукуматимизнинг ўзи жиддий эътибор қаратаяпти. Эътибор сабаб кейинги йилларда мазкур соҳа янада ривож топиб бормоқда. Биргина Президентимизнинг "2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида"ги Фармонидан сўнг фермерлик ҳаракати янги босқичга кўтарилди. Жойларда сурункасига зарар кўриб ишлаётган ширкат хўжаликлари ўрнида деҳқон ва фермер хўжаликлари ташкил этиляпти. Бу мулкдорлар сафи кенгайиб бораяпти деганидир, албатта.Йўқса, қачонлардир фермер бўлиб шунинг орқасидан иморат қураман, ёки бўлмаса қўша-қўша машиналик бўлиб тўй қиламан деган хом ҳаёл қайси бир деҳқоннинг тушига кирибди дейсиз? Шахсий ҳисоб рақами нима эканлигинику англаб ҳам етмайдиган собиқ "колхозчи" эндиликда мулкдорга айланиб, катта бир банкда пулини сақлаяпти.

**(Давоми 3-бетда)**

ИФТИХОР

## КУРАШ – МИЛЛАТ ҒУРУРИ

***Кураш азал-азалдан халқимизнинг ғурури ва ори саналади. Билаги кучга тўлган ёшларни кўриб "ота ўғил-да", дея фахрланишган боболаримиз. Тўрт-беш одам бир жойга йиғилса болаларни кураш туширган. Тўй-ҳашам, сайллар курашсиз ўтмаган.***

Ҳар бир овул, ҳар бир маҳалланинг ўз полвони бўлган. Ҳозир ҳам шундай. Ахир бизнинг халқ ўзининг қадриятларини ҳеч қачон унутмайди. Ориятли халқнинг полвонлари ҳеч қачон елка қисиб турмайди. Не бахтки, бугун ўзбек кураши нафақат шу заминда, балки бутун дунёда миллатимиз номини элга танитмоқда. Тоштемир Муҳаммадиев, Махтумқули Маҳмудов, Баҳром Авазов, Шуҳрат Хўжаев, Абдулла Тангриев, Камол Муродов, Акобир Қурбонов каби полвонлар номини бугун ҳар бир ўзбек фарзанди фахр ва ифтихор билан тилга олса, дунё полвонлари уларнинг номини эшитиб сергак тортиши ҳам бор гап. Бугун ўзбек курашининг оламшумул ривожи ҳар биримизни ғурурлантиради. Кураш бўйича беш қитъанинг барчасида чемпионатлар ўтказилди.

**(Давоми 6-бетда)**

## ТАЖОВУЗ

ЖАҲОЛАТ

***-Давай, "ўқла", - деди Салим хона деворига суянган кўйи нон кавшаб ўтирган Муродга. – Сал камга ўхшаяпти.***

***Бошини осилтириб кайф осмонида учиб юрган Мурод унга норозироқ қаради.***

-Ўзи бир чеким қолди, - деди минғирлаб. – Ҳаммасини чекиб қўйсак, эртага нима қиламиз?..

-Ўрайвер, эртага мен топаман.

-Ўғилбола гапми? – ишонқирамайроқ сўради Мурод. – Алдамайсанми?

Салим индамади. Қизариб, сопол тусига кириб қолган кўзлари ўқрайди. Салимнинг жирракилигидан қўрқиб, чўнтакларини ковлади-да, нўхотдек нашасини топиб папирос ичига ўрай бошлади.

"Ўқланган" папиросни навбати билан чуқур-чуқур торта бошлашди. Хона тобора рутубатлашиб борар эди. Ташқарида эса тун қораси кўриниб қолди.

Вақт алламаҳал бўлиб қолган эди. Салим ғужанак ётганича кўзини очди. Боши шамолда очилиб-ёпилаётган эшикдай гувилларди. Хона қоронғу. Фақатгина токчадаги телевизор ёғдуси ўйнарди. Мурод унинг кўз очганини кўриб:

-Видео бўлганда кўрардик, - деб қолди.

Бу гап Салимга ҳам ёқди.

-Юр, кетдик, видео олиб келамиз, - деди.

Салим шу тобда акасининг видеомагнитофонини эслаб қолган эди. Янгаси уни ёқтирмаслигини жуда яхши билади. Бермай кўрсин-чи. Нима, ўз акасининг видеомагнитофонини ҳам кўролмайдими, бирор марта кўришгаям ҳаққи йўқми?

**(Давоми 2-бетда)**

ЭҲТИРОМ

## ИЛОҲИЙ МУҲАББАТГА САДОҚАТ

***Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди доимо ўқувчиларни қизиқтириб келган. Хусусан, шоирнинг шахсий ҳаёти, турмушда оила қурмай ёлғиз ўтганлиги жумбоқли мавзу.***

"Покдомон ва етарли даражада моддий маблағга эга бўлган бу зот истаган жуфтга эга бўлиши ҳам мумкин эди-ку?" – қабилидаги саволларни кўп эшитганмиз. Албатта, шундай бўлиши ҳам мумкин эди. Бироқ, буюк мутафаккирнинг ҳаёт йўли ҳақида маълумот берувчи тарихий манбаларда келтирилишича, Алишербек ота-онадан жуда ёш етим қолади. Айни йигитлик чоғларида эса Машҳад ва Самарқанд шаҳарларидаги мадрасаларда таҳсил олади. Мусофирчилик ва талабалик йилларида моддий жиҳатдан қийналади. Ҳусайн Бойқаро Хуросон тахтига ўтиргач, Навоий Ҳиротга бутунлай қайтади. Аммо бу даврда у бирмунча улғайган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган ва мулоҳазакор инсонга айланган эди. Албатта, бу жиҳатлар унинг умр йўлдоши танлашида ҳам муҳим омил бўлган. Алалхусус, нозиктаъб шоир уйланмайди.

Ижодкор ва унинг шахси ҳақидаги энг биринчи манба – унинг асарларидир.

**(Давоми 6-бетда)**

## СОҒЛОМ АВЛОД ОРЗУСИ

ТИББИЁТ

***Навоий вилоятида оналар ва болалар саломатлигини яхшилаш, улар орасида касалланиш ва ўлимни камайтириш учун Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.***

2000 йилдан буён Америка давлатининг ХОУП лойиҳаси билан ҳамкорликда Қизилтепа, Кармана туманларида болалар ҳамда оналар касалланишининг нисбатан юқори даражадалиги сабаб ушбу туманлардаги туғруқхона бўлимларида кўз очган чақалоқларни она сути билан боқиб, уларнинг бир ёшгача бўлган касалликлардан, ўлимдан асраш ва соғлом бўлиб ўсишига эришиш, сунъий сут ёрдамида боқишга барҳам бериш режалаштирилди.

Маълум бўлишича, вилоятда туғруқ ёшидаги аёлларнинг репродуктив саломатлиги яхшиланиши учун уларнинг туғруқ оралиқлари 3-4 йил бўлиши лозимлигига эътибор қаратилган ва ҳар йили аёлларнинг тиббий кўрикдан ўтказилиши, уларда аниқланган касалликларни ўз вақтида даволаш усуллари самарали натижа бермоқда.

**(Давоми 6-бетда)**

ҲИКМАТ

*Мунофиқлик – оғир иш эмас, ҳар бир ярамаснинг қўлидан келади, лекин очиқчасига, самимий ва юракдан гапириш ва кулиш эса фақат олижаноб қалб эгаларигагина хосдир.*

**Шандор ПЕТЕФИ**


BANK

Ҳалқ банки – сизнинг оилангиз банки


## КЕЛГУСИ СОНДА:

"ЗАМИН: *МЕН ДАРДИМНИ КИМГА АЙТАМАН?*"

ШЕЪРИЯТ МУЛКИНИНГ СУЛТОНИ

КУНДОШЛИ УЙ ҒАВҒОСИ

# ФЕРМЕРГА ЭРКИНЛИК КЕРАК

(Боши 1-бетда)

Шунинг ҳисобидан ҳиммати тутиб, қишлоқ марказида замонавий врачлик пункти, ёки бўлмаса шинамгина хоналарга эга мактаб қуриб бериб халқнинг дуосини олаётганлари ҳам анчагина.

Бугун ишлайман деган одамга имконият топилади. Меҳнат қилганнинг қадри баланд. Фақатгина дангасаликка берилмаслик лозим. Акс ҳолда унинг зарари ҳам, жабри ҳам ўша кишининг ўзи учун зиён. Аммо фермерларга яратиб берилаётган шундай имкониятлар қаторида улар фаолиятига тўсқинлик қилаётган баъзи ҳоллар ҳам учраб турибдики, бундай ҳолатни бемалол тараққиётнинг илдизига болта уриш, деб ҳам айтиш мумкин. Жойларда фермерларга кўмак бериш ниятида турли хил уюшмаю хизмат кўрсатиш марказлари ташкил этиляпти. Бу бир жиҳатдан ижобий ҳол. Чунки деҳқончиликда етарлича тажрибага эга фермерлар қаторида ҳали бу борада укувсиз, айниқса янги ташкил этилган фермерлар молиявий жиҳатдан заиф, иш юритишда тажрибасиз. Мана шу жиҳатдан уларга кўмак бериш керакдир. Аммо фермер йил сайин "болалаётган" бундай тузилмаларнинг қайси бирига аъзо бўлсин-у яна қайси бирига қўшилсин? Фермерларга кўмак бериш ниятида аллақачонлар вилоят ва туманларда деҳқон ва фермер хўжаликлари вакилликлари ташкил этилган эди. Уларнинг асосий вазифаси фермерларни бир мақсад сари бирлаштириш, барча бўғинларда улар манфаатини ҳимоялашга астойдил ҳаракат қилишдан иборат.

Шунингдек, вакилликлар фермерларга турли сервис хизматлари кўрсатишни ташкил этиши лозим. Афсуски, вакилликлар фаолиятидан фермерларнинг кўнгли тўлмаётир. Чунки айрим вакилликлар номигагина фаолият юритмоқда.

Фермерларнинг ҳуқуқий билими саёзлиги, ҳали хўжалик юритишдаги тажрибасизлигидан фойдаланган айрим собиқ хўжалик раҳбарлари турли уюшма ва марказларни ташкил этиб, фермерларнинг хусусий тадбиркорлик фаолиятини чегаралаб қўйишаётир. Бу ерда улар "Агрохизмат" марказларини ташкил этиш орқали, биринчидан, ўзларининг мансаб курсиларини сақлаб қолиш ниятида бўлсалар, иккинчидан, фермерларнинг насибасига шерик бўлишни кўзламоқдалар.

Омилкор, бозор иқтисодиётига мос ҳолатда иш юрита оладиганларгина фаолият юритишга қодир бўлишади. Масалан, айрим вилоятларда ва туманларда "Агрохизмат" марказлари тузилаётир. Тўғри, фермерларга турли соҳалар бўйича сервис хизмати кўрсатишнинг кенг тармоғи ташкил этилиши керак. Масалан, техник, агрокимё, мелиорация, қурилиш, зооветеринария, транспорт, консалтинг ва бошқа хизмат турлари шулар жумласидандир. Ушбу барча сервис тузилмалар бозор инфратузилмасининг субъектлари бўлиб, бозор муносабатлари шароитида ҳар бир буюртмачининг турли хил сервис хизматларига бўлган талабини ўз вақтида арзон ва сифатли қондириш, маҳсулот таннархини камайтириш, сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Лекин бугунги кунда туманларда тўлиғича тугатилган хўжаликлар негизида ташкил этилган фермерларга хизмат кўрсатувчи мини-банк, муқобил МТП, минерал ўғит ва ёнилғи-мойлаш материаллари сотиш шохобчалари яхши фаолият кўрсатмаётир.

Энди фермерларга хизмат кўрсатишга йўналтирилган масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Агрохизмат"лар ва улар аслида қайси собиқ корхона ёки хўжаликнинг вориси эканлиги ҳамда уларнинг фаолияти ҳақида сўз юритсак.

Масалан, Пахтакор туманида собиқ ширкат хўжаликлари негизида 15 та "Агрохизмат" МЧЖлар тузилган. Уларга ҳозирги кунда раҳбарлик қилаётганларнинг фақат иккитаси олдин фермер сифатида фаолият кўрсатган, қолганлари собиқ ширкат хўжаликларининг раислари, бош ҳосилотлари ва раис ўринбосарлари. Шунингдек, марказ ходимларининг штатлар рўйхатида яна собиқ бош ҳосилот, бош муҳандис, бош бухгалтер, ирригатор, ер тузувчи, кадрлар бўлими мудири лавозимлари бор.

Бундоқ қарасангиз, "Ахрохизмат"лар ташкил этилиши собиқ кадрларнинг иш ўрнини совутмаслик, уларни йўқотмаслик, яна раҳбар ва раҳбарчалар бўлиши лозимлигини таъминлашга ўхшаб кетади. Балки мақсад ҳам шудир.

Тўғри, фермерлар фаолиятини янада ривожлантириш учун уларга хизмат қиладиган, йўл-йўриқ кўрсатадиган, техника, минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлайдиган кооперативлар керак. Балки ҳуқуқий жиҳатдан мукаммал мавжуд қонунларга мос тарзда тузилса, "Агрохизмат" марказлари шундай кооперативлар ўрнини босар. Лекин янги тузилган бу марказлар фермерларнинг ҳуқуқларини чегаралаб қўймаслиги, монопол мавқега эга бўлиб қолмаслиги керак. Аммо ташкил этилаётган "Агрохизмат" марказлари тадбиркорлар томонидан мустақил равишда эмас, собиқ ширкат хўжаликлари мулкига даъвогар ворис сифатида ташкил қилинмоқда. Ширкат хўжалиги аъзолари йиғилишининг битта қарори билан ширкат хўжалигининг бор мол-мулки янгича мулк шаклидаги ташкилотга ўтиб кетаётир.

Бинобарин, марказ ҳудудидаги барча фермер хўжаликлари у билан шартнома асосида ишлашга мажбур. Агар шартнома тузмаса, сувдан ва бошқа техникалар хизматидан бебаҳра қолиши мумкин. Чунки ҳудуддаги барча канал ва лотоклар марказ тасарруфида. Фермер хўжаликлари хоҳласа-хоҳламаса, "Агрохизмат" марказлари билан ҳисоблашишга мажбур.

"Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг 26-моддаси фермер хўжаликларининг биргаликдаги фаолиятига бағишланган. Унда шундай дейилади: "Фермер хўжаликлари ихтиёрийлик асосида, шу жумладан, улушли (пай) асосида маҳсулот етиштириш, харид қилиш, уни қайта ишлаш ва сотиш, моддий техника таъминоти, қурилиш, техникавий, сув хўжалиги, ветеринария, агрокимё, маслаҳат бериш йўсинидаги ва бошқа хил хизмат кўрсатиш бўйича кооперативларга, жамиятларга, иттифоқларга, уюшмаларга ва бошқа бирлашмаларга бирлашиш, кириш ҳуқуқига эга".

Лекин "Агрохизмат" марказлари ташкил этилишида фермерларнинг ихтиёрийлик ҳуқуқлари эътиборга олинмаган. Биргина собиқ ширкат хўжаликлари аъзоларининг умумий йиғилиши қарори билан ушбу ташкилотлар тузилган.

Масалан, тумандаги "Пахтакор" агрохизмат ва сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ҳам айнан шу тарзда ташкил этилган. Марказ ҳудудидаги 87 фермерга хизмат кўрсатади. Агрохизмат раҳбари собиқ ширкат хўжалиги раиси Нурилло Зоҳидов ҳатто ушбу марказ қачон ташкил этилганини билмаслиги бизни ҳайрон қолдирди. Чунки ҳеч нарса раҳбарлик курсиси ҳам, кадрлари ҳам, хизмат хонаси ҳам ўзгаргани йўқ. Фақат хўжаликнинг мулкий мақоми ўзгарди, холос.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Биз бир қанча туман микёсидаги раҳбарларга, фермерларга, "Агрохизмат" маркази ходимларига "Агрохизмат" МЧЖ раҳбарлари тайинландими ёки сайландими, деган савол билан мурожаат қилдик. Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг бошлиғи А.Абдуллаев "Агрохизмат" марказларининг барча раҳбарлари ҳоким кўрсатмаси билан тайинланди деса, кўпчилик фермерлар марказ раҳбарларининг тайинланганини ҳам, сайланганини ҳам билишмас экан.

Масалан, "Туркистон" МЧЖ ҳудудидаги "Фарруҳ-3" фермер хўжалиги раҳбари Камол Зокиров шундай дейди:

-"Агрохизмат" қачон ташкил этилганини ҳам, қачон унга аъзо бўлиб кирганимни ҳам билмайман. Шартномага қўл қўйдиришди. Умумий даромадимдан уч фоиз пулни банк "Агрохизмат" ҳисоб рақамига ўтказибди. Лекин мен "Агрохизмат" хизматидан умуман фойдаланганим йўқ.

Ҳар бир фермер "Агрохизмат" марказий аппарати бошқаруви ходимларини сақлаш харажатларини қоплаш учун йиллик ялпи даромадидан уч фоиз ажратиши кераклиги "Агрохизмат" МЧЖнинг Низомида кўрсатиб қўйилган. Марказнинг бир ойлик штат жадвали бўйича мансаб маошлари оз эмас, нақд 470 минг сўмни ташкил этади. Фермерларга кўрсатилган турли хизматлар учун эса алоҳида ҳисоб-китоб қилинади.

Бугун фермерларнинг кўпчилиги техникага жуда муҳтож. Чунки уларнинг аксариятида техника воситалари йўқ. Шу вақтгача, яъни "Агрохизмат"лар ташкил этилгунга қадар фермерларнинг техника воситаларига бўлган эҳтиёжини туман МТПлари бажариб келаётган эди. Ҳозир ҳам фермерларга техника хизмати кўрсатишнинг асосий қисмини МТПлар бажариб келаётир.

Ўтган йили Пахтакор туман МТПси фермерларга 1 миллиард 124 миллион сўмлик техника хизмати кўрсатган. Ташкил этилган "Агрохизмат" марказлари ҳам асосан техника хизмати кўрсатадилар. Улардаги мавжуд техникалар собиқ ширкат хўжаликларининг мулки. Аслида, бу техника воситалари фермерларга ким ошди савдосида сотилиб, муқобил МТПлар ташкил этилса, тўғри йўл тутилган бўларди. Бу муқобил МТП таъсисчилари шу ҳудуддаги фермерлар ва ўз улуши билан иштирок этувчи бошқа юридик шахслар бўлиши мумкин. Сув таъминоти билан ҳам "Агрохизмат"лар эмас, сувдан фойдаланувчилар уюшмаси шуғулланса, фермерларга анча қулай бўларди. Фермерларга бошқа хизмат турлари бўйича сервис хизмати кўрсатишни деҳқон ва фермерлар вакиллиги ташкил этиши керак. Бунинг учун вакиллик фаолияти жонланиши, бозор иқтисодиётига мослашиши зарур.

**Ҳозир фермерларга техника хизмати жуда зарур. Балки, маълум вақт ўтиб, фермерлар ўз техникаларига эга бўлгач, техника хизмати кўрсатувчи сервис ташкилотларига зарурат қолмас. Лекин ҳозирда "Агрохизмат"га ўхшаган тузилмаларни ташкил этиб, собиқ раҳбарларни яна мансаб курсилари билан таъминлаш, буйруқбозлик, юқоридан кўрсатма беришга имконият яратиш, фермерларнинг ҳуқуқини маълум даражада чегаралашга асло йўл қўйиб бўлмайди.**

**Абдураззоқ КАРИМОВ,**
**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти"нинг махсус мухбирлари.**

ҚИСҚА САТРЛАРДА

## ЭҲСОН ДАСТУРХОНИ

Андижон туманидаги Бобур номли ширкатлар уюшмаси ва Хартум қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан уруш қатнашчиларига "Меҳр ва мурувват йили" муносабати билан эҳсон дастурхони ёзилди. Маросим сўнггида Хартум алоқа бўлими қарияларга пул мукофоти тарқатди.

## ОРОМГОҲ

Андижон тумани Заврoқ қишлоғида жойлашган "Қалдирғоч" оромгоҳида айни кунларда Бобур номидаги ип-газлама ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти томонидан жорий йилги таъмири учун ажратилган 2 миллион сўм маблағ ҳисобидан таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди.

## ЖОНИВОРЛАР ДОРИХОНАСИ

Андижон шаҳрида жониворларни даволаш жараёнида қўлланиладиган дори-дармонлар сотиладиган дорихона иш бошлади.

**Жамолиддин ТУРДИЕВ**

# МАСЪУЛИЯТ ОШДИ

***Наманган вилоятида ҳам айни кунларда Вазирлар Маҳкамасининг "Экинларнинг пайҳон қилиниши ва нобуд бўлишига қарши курашни янада кучайтириш тўғрисида"ги қарори бўйича тарғибот, тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.***

-Ғаллазорларнинг пайҳон қилиниши олдини олиш ва бу борада изчил чора-тадбирлар кўриш барчамизнинг бурчимиз, - дейди вилоят ички ишлар бошқармаси ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Мусахон Оппоқов, - ҳукуматимизнинг янги қарори масъулиятимизни янада оширди. Экинзорларда чорва молларини боқиш, уларни қаровсиз қолдириш ва экинзорлар орқали техника воситаларининг ўтиши, шунингдек, экинларнинг пайҳон қилиниши ва нобуд бўлишига олиб келувчи бошқа салбий ҳолатларга қарши кураш чораларини янада кучайтирдик...

ҚАРОР ВА ИЖРО

Қишлоқ хўжалиги корхоналари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла посбонлари билан ҳамкорликда мунтазам равишда рейдлар ўтказяпмиз.

Кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли ғаллазорларни пайҳон қилиш ҳолатлари ўтган йилга нисбатан вилоятимизда сезиларли даражада камайган. Лекин, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, ондасонда бўлса-да ғаллазорларга билиб-билмай молларни қўйиб юбориш ҳолатлари учраб утрибди.

Масалан, Чуст тумани, Олмос қишлоқ фуқаролар йиғини, Бозорбоши масаҳалласида яшовчи Шерали Ҳакимовнинг эътиборсизлиги туфайли бир бош қорамоли "Олмос" ширкат хўжалигининг 0,01 га ғалла майдонини пайҳонлаган. Косонсой тумани, Косонсой қишлоқ фуқаролар йиғини, "Ўрта кўча" маҳалласида истиқомат қилувчи Расулжон Охуновнинг икки бош қўйи эса Ш.Рашидов номли ширкат хўжалиги буғдойзорларига кириб, хўжаликка зарар етказган. Ушбу ҳолатлар юзасидан тўпланган ҳужжатлар ҚФИ маъмурий комиссиясига юборилди. Мингбулоқ тумани, Меҳнатобод қишлоқ фуқаролар йиғини, "Яккатол" маҳалласида яшовчи Бекзод Рустамов бир бош чорвасини қаровсиз қолдириши натижасида "Гигант" ширкат хўжалиги, 4-бўлим, 19-бош пудратининг 0,01 га ям-яшил буғдойзори нобуд бўлди. Тегишли ҳужжатлар туман ҳокимлиги қошидаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиясига ўтказилди.

Бир қарашда пайҳон қилинаётган ғалла майдонлари жуда оз, арзимасдек туюлиши мумкин. Лекин тоғдек ғалла хирмонлари аслида мисқоллардан ҳосил бўлади-ку!?

**О.НОМОЗОВ**
**суҳбатлашди.**

БОҒДОРЧИЛИК

# ФАРОВОНЛИККА НЕ ЕТСИН

***Ўзига хос иқлим ва тупроқ шароитига эга Хоразм воҳаси ширин-шакар мевалари билан машҳур. Ҳазорасп олмаси, Урганч анжири, Хива ўригининг таъми ҳеч қаерда топилмайди. Узум етиштириш ва сақлашда боғотлик соҳибкорларнинг иши ўрганишга арзигулик.***

-Ҳар бир оила 10 сотихли боғидаги токлардан 2,5-3 тоннадан ҳосил олишади, - дейди Деҳқонбозор қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Эгамберди Бобониёзов. – Ҳозирда бир кило узумнинг нархи 1000 сўмдан ошиб кетди. Бу кичик бир томорқадан 2,5-3 миллион сўм даромад деганидир.

-Ширкатимизда 184 гектар узум майдони, 40 гектар мева боғи бор, - дейди хўжалик раҳбари Бахтиёр Эгамов. – Боғлар-у узумзорнинг ёшига, ҳосилдорлигига қараб, ҳар бир гектарини 450 минг сўмдан бир миллион 450 минг сўмгача танлов асосида ижарага берамиз. Шу ҳисобдан ширкатимизга 2003 йили фақат боғдорчиликнинг ўзидан 113 миллион сўм соф фойда қолди.

Дарвоқе, ободончилик, қурилиш ишлари масаласида ҳам икки оғиз сўз. Қишлоқ йилдан-йилга ўзгача чирой очмоқда. Янги йил арафасида бирданига иккита врачлик амбулаторияси фойдаланишга топширилди. 65 нафар тиббиёт ходими иш билан таъминланди. Япон мутахассислари ҳамкорлигида барпо қилинаётган 1000 уяли янги телефон станцияси тез кунлар ичида ишга туширилиши режалаштирилаяпти. Бундан ташқари ўйингоҳ қурилиши бошланган. Мактаблар таъмирига ёрдам берилмоқда. Қишлоқда йилига 3 миллион шартли банка консерва тайёрлайдиган завод, ғишт заводи, омухта ем ишлаб чиқариш тегирмонлари, гиламчилик цехи ҳам ишлаб турибди.

Кишиларнинг турмуш тарзи ҳақида гап кетганда, 1-1,3 гектар майдонда боғдорчилик фермер хўжалиги ташкил қилиб, йилига 25-30 миллион сўмдан фойда кўраётган Исмоил Йўлдошев, Оллаберган Оллоқулиев, Худойшукур Жумабоевлар каби ўнлаб кишилар тилга олинди. Бу эса уй қуриш, тўй қилиш ва ҳатто машиналик бўлишга ҳам имкон топилади, деганидир. Бунинг учун аввало меҳнат қилиш керак. Меҳнатдан топилган нон баракали ҳамда тотли бўлади. Аслида фаровон ҳаёт шулар орқали яратилади-да.

**Холмурод ҚУРБОНОВ**

# Тадбиркор аёл



**Дармонжон Юсуповани бугун нафақат боғотликлар, балки бутун Хоразм аҳли яхши билишади. Чунки у бошлиқ пудратчилар 6 йилдан буён шартномавий режани биринчилардан бўлиб уддалаб келишмоқда. Ўтган йили ҳам пахтадан 40 центнердан ҳосил олиб, йилни ёруғ юз билан якунлади.**

**СУРАТДА: Дармонжон Юсупова.**
Н.АЛМУРОДОВ олган сурат.

# АГРАР СОҲА ХОДИМЛАРИ ЎҚУВИ

***Кеча Гулистонда Сирдарё вилояти ширкат ва фермер хўжаликлари, вилоят, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқарма, бўлимлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси туман вакиллиги раҳбарларининг семинар-мунозараси ўз ишини бошлади.***

Машғулотларнинг биринчи иш кунида соҳага алоқадор тармоқ вакилларининг маърузалари тингланди. Унда иштирок этаётганлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**Шомурод ХОЛМУРОДОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

***

Аграр соҳа ходимлари ўқув машғулотлари Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда ҳам ўз ишини бошлади.

# КЎМАКДОШИНГ ЁНИНГДА

***Сурхондарё деҳқонларининг 2003 йилги ютуқлари салмоқли бўлди. Тўғри, йилнинг анча машаққатли ўтгани ҳеч кимга сир эмас. Ширкат хўжаликлари-ю фермерлар қийинчиликларни енгишди.***

Бунда уларга "Ўзагросуғурта" вилоят дирекцияси жамоаси кўмакдош бўлиб, деҳқонлардан ёрдамини аямади. Табиат қийинчиликларини бартараф этиш учун суғуртачилар вилоят ширкат хўжаликларига 24,7 миллион сўмлик мадад бердилар. Фермер хўжаликлари эса 3,6 миллион сўмлик кўмак олдилар. Ташвишли кунларда елкадош бўлганларни ҳеч ким эсидан чиқармайди. Айниқса, суғуртачилардан кўмак олиб, иқтисодий самара кўрган Сариосиё туманидаги "Сўфиён", Охунбобоев номли, Денов туманидаги "Ҳазарбоғ", И.Тўраев номли, Олтинсой туманидаги "Пахтакор" ширкат хўжаликлари аҳли жуда мамнун. Ҳамкор оғир кунда билинади, деганларидек, об-ҳаво шароитининг энг оғир паллаларида суғуртачилар деҳқонларнинг ёнида турдилар.

СУҒУРТА

Денов туманидаги "Шиддат", "Абдувоҳид" фермер хўжаликлари чигит қадалган пайтда мушкул аҳволда қолишганди. Чигитни қайта экишга мажбур бўлишди. Вилоят суғурта идораси фермерларга ёрдам қўлини чўзди. Кузда фермерлар юқори ҳосил етиштирдилар. Улар суғурталашнинг қанчалик муҳимлигини ўз фаолиятларида яна бир бор амалда кўрдилар. Деҳқонлар ва суғуртачилар ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкамлиги, ўзаро ишончнинг ошганлиги 2004 йил учун шартномалар тузишда яққол кўзга ташланмоқда.

**Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**


ХУСУСИЙ ТАДБИРКОР "ЖАВЛИ ҚУРБОНОВ" КОРХОНАСИ

ҚУЙИДАГИЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:



| | |
|---|---|
| Сув сарфини ўлчаш стандарт водосливлари | -15-175 литр/сек. |
| Сув сарфини ўлчаш стандарт насадкалари (ер нишаби 1=0 бўлган ҳолда) | - 50-300 литр/сек |
| Сув тўғрилаш вентил-затворлари | - ЛР 60-100 |
| Шалопчи (хлопушка) 5 метрли рулетка билан | - Ø 25-50 мм |
| Намуна олгич (пробоотборник) | - Ø 25-50 мм |
| Тупроқ қазиш пармаси | - Ø 32-50 мм, 1,5-3м. |
| Пъезометрлар | - Ø 40-75 мм, Н-3 м. |



Юқори сифатли иш юритиш қоғозлари, дафтар, кундаликлар, альбом, рангли журнал, таклифнома ва китобларни тез ҳамда арзон нарҳда чоп этиб беради.Маблағ ўтказиш ёки нақд пул билан ҳисоб-китоб қилинади.

**Тел.: 127-14-56 (уяли тел ), 65-14-56, 65-26-81 (кечқурун) (код 8-372).**

(САНИИРИ ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳудудида).

ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ СОҲИБЛАРИ, СИЗЛАР УЧУН!

ПУРКАГИЧЛАР КЕРАКМИ? МАРҲАМАТ!





*Боғлар, сабзавот пайкаллари, узумзорлар, иссиқхоналар ва шахсий ҳовли-жойлардаги дов-дарахтлар ҳосилини турли зараркунанда ва ҳашаротлардан ишончли ҳимоя қилмоқчи бўлсангиз, енгил ва қулай қилиб ишлаб чиқарилган пуркагичлардан фойдаланинг. Улардан дезинфекция қилишда, йўл ёқаларидаги ўт-ўланларни йўқотишда ҳам фойдаланиш мумкин. "Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг" компанияси таркибидаги "Агрихим" Ўзбекистон-Италия қўшма корхонасида тайёрланаётган бундай пуркагичлар "Ўзстандарт" агентлиги томонидан сертификатлаб берилган ва 6 йилдан бери муваффақиятли фойдаланиб келиняпти. Пуркагичларни маблағ ўтказиш ва нақд пул тўлаш йўли билан сотиб олиш мумкин. Қўшма корхона шундай пуркагичларни тузатиб, таъмирлаб ҳам беради.*





**Манзил: Тошкент, С.Машҳадий кўчаси, 210-уй.**
**Мўлжал – Шампань винолари заводи. Автобуслар: 16, 21, 30.**
**Тел.: (99871) 169-35-46, 169-49-33;**
**Факс: 169-49-44.**


ИҚЛИМ

# ОБ-ҲАВО ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

***Республика гидрометеорология марказидан олинган маълумотларга қараганда, шу кунларда юртимизда ҳаво ўзгариб туради.***

9 февралга қадар шимолда ёғингарчилик бўлмайди. Аммо айрим ҳудудларда 7-8 феврал кунлари ёғингарчилик бўлиши кутилмоқда. Туман тушади. Шамол ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда эсиб, унинг тезлиги секундига 15-20 метргача етиши мумкин. 5-9 феврал кунлари ҳарорат кечаси –2 даража совуқ билан +3 даража илиқ ўртасида бўлади. Кундуз кунлари эса 6-11 даража, баъзан эса 1-6 даража илиқ бўлиши кутилмоқда. Демакки, кундуз кунлари ҳарорат ўзгариб туради.

Пойтахтимиз Тошкентда ҳам ҳаво ўзгариб туради. 5-6 феврал кунлари ёғингарчилик бўлмаса-да, 7-9 феврал кунлари ёмғир ёғиши кутилмоқда. Ҳарорат кечалари 1-6 даража, 5-6 феврал кунлари кундузи 9-14 даража, 7-9 феврал кунлари эса 3-8 даража илиқ бўлиши кутилмоқда.


АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ "ПАХТА-БАНК"

**АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

Акциядорлик Тижорат "Пахта-Банк" Кенгаши йиғилишининг 2004 йил 4 февралдаги қарорига мувофиқ "Пахта-Банк" акциядорларининг реестри 2004 йил 5 март ҳолатига ёпилишини маълум қиламиз.

**Қўшимча маълумотлар учун телефон рақамлари: 173-25-51, 78-10-94.**

**АТ "Пахта-Банк" манзили: Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 43-уй.**

**"ПАХТА-БАНК" КЕНГАШИ**


Тошкент шаҳар А.Икромов тумани ҳокимлиги томонидан 2002 йил 19 сентябрда якка тартибдаги тадбиркор Салихова Шаходат Артыковнага берилган экспорт-импорт операцияларини амалга оширган ҳолда чакана савдо билан шуғулланиш ҳуқуқи қайд этилган № 0119044 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.


ОАО "ТОШКЕНТ ОТЧОПАРИ"

**Извещает о проведении внеочередного общего собрания акционеров 16 февраля 2004 г. по адресу г.Ташкент ул. Дружбы Народов 156. Начало собрания в 11⁰⁰ ч.**

**Регистрация начинается с 10⁰⁰ ч.**

Телефоны для справок: 79-49-29; 7949-34.

**ПОВЕСТКА ДНЯ:**

1. Утверждение Положения "О полномочиях и порядке проведения общего собрания акционеров" ОАО "Тошкент отчопари".
2. Утверждение Положения "О Наблюдательном Совете" ОАО "Тошкент отчопари".
3. Утверждение Положения "О исполнителном органе" ОАО "Тошкент отчопари".
4. Утверждение Положения "О ревизионной комиссии" ОАО "Тошкент отчопари".
5. Утверждение Положения "О порядке и условиях выплаты дивидентов" ОАО "Тошкент отчопари".
6. Утверждение Положения "О вознаграждении Председателя Правления" ОАО "Тошкент отчопари".
7. Утверждение Положения "О ценных бумагах" ОАО "Тошкент отчопари".
8. Утверждение Положения "О счетной комиссии" ОАО "Тошкент отчопари".
9. Выборы председателя правления в соответствии с Указом Президента РУз от 24.01.03 г.
10. Утверждение бизнес-плана на 2004 год.
11. Утверждение состава правления и ревизионной комиссии.
12. Организационные вопросы.

**Наблюдательный Совет ОАО "Тошкент отчопари"**

**ЗАМОНДОШ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ**

# ОТА КАСБИ – ОЛТИН КАСБ

**«Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг пўлат эритиш цехи оператори Абдураҳмон Абдураззоқов «Ўзбекистон Қаҳрамони» юксак унвони билан тақдирланди...**

Комбинатнинг «таржимаи ҳоли» кўплаб бекободликлар тақдири билан чамбарчас боғланиб кетган. Заводга Иккинчи жаҳон урушининг энг оғир дамларида пойдевор қўйилганди. Орадан икки ёзу икки қиш ўтгач, у ишга туширилди. 1944 йил 5 март куни чўян ва темир-терсаклардан замонавий усулда биринчи эритма олинди. Ўзбекистон ўз маҳаллий саноат корхоналари ривожи учун ўта зарур беминнат пўлат ўзанига эга бўлди. Завод номи Марказий Осиё қора металлургиясининг тўнғич ва энг забардаст иншооти сифатида тарих саҳифаларига муҳрланди.

Дастлабки пайтлар корхонада иккита мартен печи, чўян қуюв, электр-механика, мазут сақлаш цехлари ва электр иссиқлик маркази бўлиб, жами 1380 киши меҳнат қиларди. Вақт ўтиши билан завод ҳар томонлама кенгайиб, цехлари ўттиздан ошиб кетди. Уларда халқ хўжалиги ва аҳоли эҳтиёжи учун асқотадиган уч бурчакли, ясси ва юмалоқ шаклли арматуралар, йигирма турдан зиёд рўзғорбоп сирланган идишлар ҳамда бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунга мувофиқ, ишчи-хизматчилар сони ҳам кўпайиб, ўн бир минг нафарга етди.

Яна бир муҳим жиҳати — завод ўсиб-улғайгани сайин туб аҳоли орасидан, «Ўзбеклар бундай мураккаб ва оғир ишни уддалай олмайдилар» қабилидаги пуч даъволарга қарама-қарши ўлароқ, ўз касбининг ҳақиқий устаси даражасига кўтарилган пўлатсозлар етишиб чиқди.

Комбинатда ҳозир ҳам бир қанча пўлатсозлар сулоласи фаолият кўрсатади. Шулардан бири Абдураззоқовлар оиласидир. Мазкур сулолага 61 йил муқаддам оддий деҳқон фарзанди Абдураззоқ ота асос солганди. У қўшни Нов туманининг Бекободга туташ чекка қишлоғидан завод қурилишига отланганди. Корхона фойдаланишга топширилгач, шу ерда қолди. Юкчилик вазифасини зиммасига олди. Вақти-соати етиб, от ўрнини той босди — Иброҳимжон ака ҳам ота изидан борди. Металл эритиладиган печларга шихта (руда, шлак, ёқилғи каби аралашмалар) босувчи касбини эгаллашни афзал кўрди. Бироқ, фалокат оёқ остида деганларидек, иш жараёнида олган жароҳати унга панд берди. Шунда ҳам пешона тери сингган корхонасидан кўнгил узмади. Енгилроқ юмушлар билан шуғуллана бошлади. Қўлига кетмон олиб, ён-атрофдаги ташландиқ ерларни тартибга келтирди. Мевали дарахтлар экиб, мўъжазгина боғ яратди. Ҳаял ўтмай, у чунон ҳосилга кирди. Кейин...

Кейин фарзандлар вояга етди. Худди олдиндан келишиб олгандай, бирин-сирин ҳаммаси ота йўлини тутди. Ҳабиба онаси Муборак аяга эргашиб, сирланган идишлар, Собира шиша маҳсулотлар цехида ишлашни ихтиёр этди. Кенжатой Ўктамжонни истисно қилганда, Абдураҳмон, Мирзамурод, Анваржон, Тоҳиржонлар металл эритувчиликни танлашди. Усмонжон эса 2-пўлат қуйиш цехида автомат-пайвандлаш ускунасини бошқаришга киришди. Хонадоннинг катта келини Ҳидоятхон ҳам умр йўлдоши-ю қайинука-қайинсингилларидан «ранг» олди. Заводнинг тиббиёт-санитария қисмида ҳамшира бўлиб ишлашга азму қарор қилди. Ана шу тариқа Абдураззоқовлар сулоласининг буткул тақдири боболари қурган, оталари меҳнат қилган корхона ҳаёти билан том маънода уйқашиб кетди...

Абдураҳмон илк бор завод остонасидан ҳатлаганида Бекобод шамолида обдон тобланган, аммо кечагина мактабни битирган, ҳали суяги оғир меҳнатда қотмаган бўзбола эди. Шунданми, уни даставвал қурилиш бригадасига ишга олишди. Келаси йил 6 августда — роппа-роса 18 ёшга тўлган куни эса юксак ишонч билдиришди. Комбинатнинг тинимбилмас юраги ҳисобланмиш мартен цехида пўлат эритишдек масъулиятли вазифа билан шуғулланишига рухсат беришди.

— Менинг энг катта бахтим ва омадим шундаки, — дейди Абдураҳмон Абдураззоқов ўша ҳаяжонли онларни мамнуният ила хотирлаб, — бу ердаги меҳнат фаолиятимнинг биринчи кунлариданоқ олижаноб инсонларга дуч келдим. Дебочасига Ҳафиз Ғаниев, Саид Нуриддинов, Асад Эргашевларга шогирд тушдим. Сўнгра Олим Жўраев, Анвар Тошпўлатов каби оловкорларга бақамти туриб, пўлат эритдим. Улардан касбимиз сир-асрорларини, бунданам муҳими, самимийлик ва ростгўйликни, ишга ва дўстларга тўғри муносабатни, лафз ва бурчга садоқатни ўргандим. Бора-бора меҳнатнинг туби зийнатлигини, пешона тери эвазига топилган луқма энг тоза неъматлигини англаб етдим. Ва бир умр устозларим чизган чизиқдан чиқмасликка, мудом ҳалол ишлаб, ҳалол ошашга интилдим. Ана, самараси: ҳамкасбларим ўтган йили давлат мукофотига тавсия қилишди. Президентимиз Фармонларига кўра беш нафар ҳамюртимиз қатори менга ҳам «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш ва олий нишон — «Олтин Юлдуз» медалини топшириш тўғрисидаги Фармонга имзо чекди...

Албатта, ҳар қандай қувонч замирида машаққатли заҳмат, ғурур ортида ўзига хос масъулият ётади. Масалага шу нуқтаи назардан қарасак, металлурглик касбини осон деб бўлмайди. Олов тинимсиз лангиллаган, 1350-1400 даража иссиқликда темир сувдек эриб оқадиган печлар олдида ишлаш учун фақатгина мустаҳкам соғлиқ ва ҳушёрликнинг ўзи кифоя қилмайди. Биринчи навбатда метин ирода, бекиёс сабр-тоқат керак бўлади. Айнан шундай фазилатларга эгалиги боис Абдураҳмон Абдураззоқов 33 йил мобайнида барча қийинчиликларга дош берди. Бирор марта бўлсин, отамерос касбидан безмади. Ҳатто, мустабид тузум инқирозга юз тутиб, унинг таркибидаги республикалараро иқтисодий алоқалар узилган, охир-оқибат узоқ йиллар бир зум тўхтамай ишлаб турган пўлат қозонлари икки-уч кунлаб совиб қолган дамларда ҳам корхонасидан кўнгил узмади. Билъакс, электр қуввати ёрдамида пўлат эритиш цехида одатдагидек бафуржа ишлайверди.

Энди-энди билса, тўғри йўлдан борган экан. Мавриди келиб, жами мушкулотлар ортда қолди. Замона зайли билан бозор шароитига мослашган комбинат аввалги мавқеини тиклаб олди. Яккаш пўлат эритиш, металл чиғирлаш билан чекланмай, истиқлолга эришган юртимизга жуда керакли янги-янги маҳсулотларни етказиб бера бошлади. Чунончи, мустақилликнинг дастлабки ойларида пўлат қувурлар тайёрлаш ўзлаштирилди. 1994 йили золдир қуйиш, сал кейинроқ пўлатга печдан ташқарида ишлов бериш ускуналари ишга туширилди. Басма-басига печларни созлаш цехи очилди. Металл буюмлар, пайвандлаш хомашёларини ишлаб чиқариш жорий этилди, кенг истеъмол моллари тури ва ҳажми кўпайди.

Турган гап, бу ўзгаришлар ва ютуқларда Абдураҳмон Абдураззоқов ҳамда сафдошларининг ҳам салмоқли улушлари бор. Негаки, темир-терсаклар, энг аввало, улар кузатувидаги печларда сувдек суюлади. Зум ўтмай, қолипларга қуйилади. Навбатдаги босқичда турли шаклда чиғирланади. Пировардида хомашё ва тайёр маҳсулот тарзида истеъмолчилар қўлига етиб боради. Шундай қилиб, ирмоқлар дарёга, дарёлар уммонларга уланади. Оддий ишчи қўлида сайқал топган пўлат ҳар жабҳада мамлакат эҳтиёжи ва халқ корига ярайди. Таъбир жоиз бўлса, ижобий маънода, бирники мингга, мингники туманга татийди...

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ**

**ТАҲЛИЛ**

# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ – МУРУВВАТ ИНЪИКОСИ

***-Бундан йигирма йил олдин вирусли гепатит билан касалланиб, оғир аҳволда касалхонада даволаниб чиқдим. Ўтган вақт ичида бу касаллик асоратлари тез-тез безовта қилиб турди. Яқин икки йилдан буён III гуруҳ ногиронлик нафақасини олиб келаман. Аммо аҳволим ўнгланиш ўрнига тобора оғирлашиб боряпман. Зўрға оёқда туриб юрибман... II гуруҳ ногиронлик нафақаси тайинлашини сўраб туманимиздаги ТМЭКка мурожаат қилдим. Лекин у ерда мурожаатим асоссиз эканлигини айтишди. Энди бундан норози бўлиб Тошкент вилояти Марказий тиббий меҳнат-экспертиза комиссиясига келдим.***

Очиғи, бу ерга келишдан олдин роса иккиландим. Таниш-билишлар "Бу масалада ишинг фақат пул билан битади. Агар бир-икки сўм бермасанг, III гуруҳда қолаверасан", дейишган эди. Шунга қарамай, "чиқмаган жондан умид қилиб" келдим, - дейди Бўстонлиқ туманида яшовчи Баҳринисо исмли аёл.

Бу аёл билан Тошкент вилояти Тиббий меҳнат-экспертиза хизмати Бош эксперти Зироат Муҳитдиновага, қабул куни бўлмасада, учрашиш учун кутиб турганида суҳбатлашдик. Аёлнинг сўнгги сўзлари яна бир ҳолатни ёдга солади.

-Тижоратчи бир қўшним бор. Тўрт мучаси соғ, қачон қараманг, бозорда. Шу қўшним III гуруҳ ногиронлик нафақасини олади. Ёпирай, пулнинг кучини қарангки, соппа-соғ одам бир юмалаб ногиронга айланди-қўйди, - деган эди Паркент шаҳрида эндигина ўқитувчилик фаолиятини бошлаган дугонам.

Яширишнинг ҳожати йўқ, бундан уч-тўрт йил олдин ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар, жумладан, ногиронларга нафақа тайинлашда жойларда худди юқоридаги ҳолатга монанд айрим тиббий меҳнат экспертиза хизмати ходимлари томонидан суиистеъмолчиликларга йўл қўйилаётгани, лўндасини айтганда, ўзларига берилган маълум ваколатлардан фойдаланган ҳолда чўнтакларини қаппайтиришга бўлган уринишлари тез-тез қулоққа чалинар эди. Эҳтимол, ўқувчиларимиз орасида бунга ўзи гувоҳ бўлиб, бошидан кечирганлари ҳам йўқ эмасдир. Таассуфки, ҳозирги кунда бундай қинғирликларга буткул барҳам берилган, дея олмаймиз. Чунки ҳамон одамларимизда Баҳринисо опа урғу берганидек, "...бу борада ишинг пул билан битади", деган қарашлар мавжуд экан, шамол бўлмаса, барг қимирламаслигига ишонишимиз табиий.

**Хўш, бу масалада айнан тиббий-меҳнат экспертиза хизмати ходимларининг фикр ва муносабатлари қандай?**

-Аслида ногирон ҳар жиҳатдан қийналган одам: у соғлигини йўқотган, оиласини оёққа турғизишга, рўзғорини тебратишга имкони чекланган. Унинг руҳан эзилишларини таърифлаш қийин. Мана шундай инсондан ногиронлик нафақасини олиши учун қўшимча харажат қилишни талаб этиш қонунбузарлик, моҳиятан виждонсизликдир, - дейди суҳбатдошимиз Тошкент вилояти ТМЭКбош эксперти Зироат Муҳитдинова. - Республикамизнинг қайсидир нуқтасида балки соҳамизнинг айрим кишилари моддий манфаатдорлик илинжида ногиронлик нафақасини тайинлашда таъмагирлик қилишар, буни инкор этолмайман. Лекин танганинг иккинчи томони ҳам борлигини унутмаслик лозим.

Яқинда бир нафақахўр арз қилиб келди. Унинг айтишича, қўшниси соғлиги яхшироқ бўлса-да, II гуруҳ ногиронлик нафақасини олар, ўзи эса III гуруҳ ногиронлар рўйхатида турар экан. "Бу ноҳақлик... Қўшним пул узатгани учун II гуруҳ ногирони..." дея важ кўрсатди у. Бу арзни инобатга олиб, қўшнисини тиббий текширувлардан қайта ўтказиб, касаллик тарихини ўргандик. Шунда маълум бўлдики, бу бемор бошқаларга ошкор қилиб бўлмайдиган касаллик билан бир неча йиллардан бери оғриб келар, зоҳиран бақувват кўринса-да, соғлиги тобора ёмонлашиб бораётган экан.

Шунингдек, ногиронлар ўзларига тайинланган нафақа муддати, туридан норози бўлишиб, соҳамиз кишиларини адолатсизликда айблашганида, қайта-қайта текширувлар ўтказамиз. Аксар текширувларда бирламчи туман ТМЭК хулосалари тасдиқланиб, шикоятлар асоссиз топилади. Яна шуни таъкидлаш лозимки, сўнгги икки йил ичида вилоятимизда сохта ногиронлик нафақасини тайинлаш, ногирон болалар сонини сунъий ошириш ҳолатлари назорат кучайганлиги боис анча камайган. Аммо бу қонунбузарликларни, айниқса, ота-оналар аралашуви билан болаларга асоссиз ногиронлик нафақасини беришни тўхтатиш қийин кечяпти.

**-Ҳеч бир ота-она фарзандининг ногиронлар рўйхатида туришини истамаса керак... Лекин сўзингизга қараганда, ногирон болалар сонини сунъий ошириш ҳолати ота-оналар истаги билан юз бераётгани таажжубланарли.**

-Вилоятимизда жами 16 ёшгача бўлган ногирон болалар сони жорий йилнинг январ ойи ҳолатига кўра 9882 нафарни ташкил этади. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 4 фоиз кам деганидир. Билишимча, кўрсаткич бундан ҳам кам бўлиши мумкин эди, бироқ жойларда кўпроқ соғлиқни сақлаш тизимида хизмат қилувчиларнинг қандайдир сабаблар билан (эҳтимол, бу ерда ҳам уларнинг моддий манфаати ётар, бу ёғи бизга қоронғу!) сохта ногиронликни яшириш ҳоллари кузатилади.

Дейлик, оилада бола сон суяги туғма чиқиши билан туғилди. Бу болага ўз навбатида маълум муддатга ногиронлик нафақаси тайинланди. Маълум муддат 6 ой, 1 йил, 2 йил ёки ундан кўпроқ вақт ҳисобланиб, бу муддат боланинг операция ва турли муолажалар билан соғлигини тиклаб олишига қадар давом этади. Бола соғайгач, ногиронлик нафақасини бериш ҳам ўз-ўзидан тўхтатилади. Афсуски, ҳозир кўп ота-оналаримиз фарзанди соғайганидан қувониш ўрнига, иложини топиб бўлсада, ногиронлик нафақасини олишни тўхтатмаслик ташвишига тушиб қолганлар. Янада ачинарлиси, бу турфа ота-оналар орасида фарзандига берилаётган ижтимоий ҳимояни унинг саломатлиги йўлида сарф этмай, бошқа мақсадларда ишлатишиб, жигарбандининг оёққа туришини эмас, ҳатто тўшакда михланиб ётишини маъқул кўрадиганлари ҳам бор.

Тўғри, эҳтимол бунда боласининг нафақаси ота-она учун айни пайтдаги иқтисодий қийинчиликдан чиқиш вазифасини ўтар, лекин ҳар қандай шароитда ҳам беш-ўн сўм пул деб мурғак вужуднинг соғлигини бир четга суриш шафқатсизликдан ўзга нарса эмас...

**-Зироат опа, ижтимоий таъминот тизимида худди соғлиқни сақлаш тизимидаги каби соғломлаштириш-реабилитация марказлари ташкил этилганлигидан хабаримиз бор. Сиз бошчилик қилаётган Тошкент вилояти тиббий-меҳнат экспертиза хизматида бундай марказлар фаолиятидан қай даражада фойдаланиляпти?**

-Тизимимизда мавжуд 3 та марказий, 1 та ихтисослаштирилган (руҳий касалликлар бўйича) ҳамда 14 та бошланғич ТМЭК вилоятдаги бир ярим миллиондан ошиқ 16 ёшдан юқори аҳоли ва ногирон болаларга хизмат қилади. Асосий вазифамиз ногиронликни, ногиронлик гуруҳи ва муддатини, унинг сабабларини белгилаш билан чегараланиб қолмай, қонунда кўрсатилган тартибда ногиронларни соғломлаштиришга катта эътибор қаратиш ҳам диққат марказимиздадир. Шунинг учун ҳар бир ногирон ТМЭК текширувидан ўтганда, уни тиббий ва ижтимоий жиҳатдан соғломлаштириш, ишга йўналтириш ва касб эгаллаши масалаларини ҳал қилиш учун ижтимоий муҳофазага муҳтож бу қатлам вакилларини тизимдаги соғломлаштириш-реабилитация марказларига тавсия этамиз. Бу тавсиялар амалда бажариляптими-йўқми, назорат қилиб борамиз.

Ногиронларни соғломлаштириш бўйича ТМЭК берган тавсиялар тегишли ташкилотлар томонидан амалга оширилиши шартлиги қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган. Лекин реабилитация маркази фаолиятидан фойдаланган ҳолда ҳар бир ногироннинг жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш жараёнида муаммолар ҳам йўқ эмас. Айниқса, корхона, ташкилотларда иш жойи етишмаслиги ёки енгил иш топилмаслиги сабаб, ногиронларни иш билан таъминлай олмаслик оғриқли нуқталардан бири бўлиб қолмоқда.

Албатта, сир эмаски, бугунги кунда соғлом одамнинг ҳам иш билан бандлиги масаласи муаммо бўлиб турган бир пайтда ногиронларнинг иш ўрнига даъвогарлик қилишлари эриш туюлади. Аммо буни инкор этмаган ҳолда айрим ташкилотларда ишлашни хоҳлайдиган ва вазифани уддалайдиган ногиронларнинг мурожаати жавобсиз қолаётгани ғоят таассуфланарли.

Бир жиҳатни унутмаслик керак, кўнгли ярим, умидлари синиқ, ҳам жисмонан, ҳам моддий ночор аҳволга тушган ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш заминида миллийлигимизга хос меҳр, мурувват ва саховат ётади. Давлат сиёсатида етакчи тамойиллардан бири ҳам ижтимоий муҳофазани кучайтириш эканлиги янада қувонарли. Бу соҳада таъмагирлик ёки ноҳақликка йўл қўйиш эса кечириб бўлмас ҳолдир.

**Суҳбатдош: Ф.МАҲКАМОВА.**

**ЎЗБЕКИСТОН–ЭРОН:**

**ЖАРАЁН**

# ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛИ

***Ўзбекистон ва Эрон ўртасидаги алоқалар кейинги йилларда тобора ривожланиб бормоқда. Икки давлат ўртасида савдо-иқтисодий соҳадаги ўзаро манфаатли алоқанинг тамойил ҳамда йўналишларини белгилаб берувчи бир қатор давлатлараро ва ҳукуматлараро шартномалар имзоланган. Хусусан, "Савдо-иқтисодий алоқалар тўғрисида", "Сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш", "Икки томонлама солиққа тортишдан қочиш ҳамда олинган фойда ва капитал солиғи ҳақида маълумот айирбошлаш тўғрисида"ги шартномалар, қатор ҳукуматлараро битимлар шулар жумласидандир. Энди икки томонлама алоқаларни айрим рақамлар мисолида ҳам келтириб ўтсак.***

2003 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон ва Эрон ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 132 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистондан Эронга 120 миллион 430 минг АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот экспорт қилинган. Экспортнинг асосий улушини пахта толаси, рангли металлар ва ундан ясалган буюмлар, қора металлар ва метал буюмлар, нефт ва уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар, механик дастгоҳлар, ўғитлар, кимёвий толалар ва хизматлар ташкил этади. Импортнинг асосий улуши эса боғдорчилик маҳсулотлари, ўсимлик ва ҳайвон ёғлари, пойабзал, кимёвий буюмлар, тўқимачилик маҳсулотлари, кофе, қуруқ чой, ширинликлар ҳамда дори-дармондан иборат.

Қишлоқ хўжалиги ва табиий ресурслар мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлаш аҳамиятига кўра, Эрон иқтисодиётида муҳим соҳалардан ҳисобланади. Аграр тармоқ ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда етакчи ўринлардан бирида туради. Мамлакат аҳолисининг (68 миллион) 20 фоиздан ортиғи қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатади.

Эрон донли ва дуккакли маҳсулотларга бўлган эҳтиёжининг бир қисмини импорт ҳисобига қоплайди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш салмоғи йилдан-йилга ортиб бориши натижасида импорт ҳажми камайиб бормоқда. Жумладан, 2001 йилда 9,5 миллион тонна буғдой, 2,4 миллион тонна арпа, 1,9 миллион тонна шоли етиштирилган бўлса, 2002 йилда бу кўрсаткич мос равишда 31 фоиз, 20 фоиз ва 52 фоизга ошди.

Куни кеча Эрон Қишлоқ хўжалиги бунёдкорлиги вазирлигининг делегацияси мамлакатимизга ташриф буюрди. Делегация аграр тармоқда замонавий янги технологияларни қўллаш, хусусан суғориш сифати ва унумдорлигини ошириш, қайта ишлаш саноатини ривожлантириш, фан ютуқларини айирбошлаш каби масалаларда ҳамкорлик қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги раҳбарияти ва масъул ходимлари иштирокида 5 кишидан иборат делегация аъзолари билан соҳада икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш, янги имкониятларни излаш ва улардан самарали фойдаланиш тўғрисида музокаралар олиб борилди. Шундан сўнг делегация учун Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази ҳамда сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институтида учрашув ташкил этилди.

Эронлик меҳмонлар Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти, Қибрай туманидаги "Лимончилик" ва Зангиота туманидаги "Ўзбекистон" ширкат хўжаликларига ташриф буюриб, корхоналар иш фаолияти билан ҳам яқиндан танишдилар.

Ташрифнинг кейинги кунлари Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Аграр университет ҳамда Самарқанд ва Бухоро вилоятларига мўлжалланган.

**Соҳибжон АКРАМОВ,**
**Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги матбуот хизмати бошлиғи.**



**Яқинда "Оҳангаронцемент" заводи қошида электр двигателларни таъмирлаш цехи очилди. Натижада цехнинг ўзида ишдан чиққан кўплаб ускуналар созланмоқда. Бу ҳолат заводнинг бир меъёрда ишлашига замин яратди.**

**СУРАТДА: усталар Тамара Мурко ва Абдумалик Яров.**

Б.АКРАМОВ олган сурат.

**ИНТИЛИШ**

# "КЎМАК - МАДАД" ХОНАДОН ҲАМКОРИ

***Наманган вилоятида мамлакатимизда биринчи бўлиб, "Кўмак-мадад" уй-жой мулкдорлар ширкатлари уюшмаси иш бошлади. Унинг асосий мақсади кўпқаватли уйларда яшаётган аҳоли муаммоларини демократик йўл билан баҳамжиҳат ҳал қилиб, умумий мулкка эгалик ҳиссини тушунтиришдан иборат.***

Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган мавжуд уй-жой мулкдорлик ширкатлари томонидан уйларнинг ҳар бирига алоҳида уй-жой хўжалигини сақлаш ҳаражати унинг ҳолатидан келиб чиқиб белгиланмаётганлиги, шунингдек, коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналар билан тузилган шартномавий муносабатларнинг мукаммал эмаслиги, уй-жойларни сақлаш,таъмирлаш ишларининг сифати тўлақонли бўлмаслигининг асосий сабаби мулкка эгалик ҳисси йўқлиги ҳисобланади. Давр эса мулкдорликка бўлган эътиборнинг нечоғлик афзал эканлигини кўрсатмоқда.

Уюшма ҳамкори Американинг Урбан-институти ҳисобланади. "Марказий Осиёда маҳаллий бошқарувни ривожлантириш" лойиҳаси АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги (ЮСАИД) томонидан молияланади ҳамда Урбан-институти томонидан амалга оширилади.

Ўтган йили Урбан-институти томонидан "Уй-жой мулкдорлари ширкатининг энг яхши фаолияти" учун Тошкент шаҳри ва Фарғона водийси вилоятлари бўйича танлов эълон қилинди. Танловда Наманган шаҳридаги "Намуна", "Ўзбекистон , "Дўстлик" ва "Мингтерак" уй-жой ширкатлари қатнашиб, "Мингтерак" мулкдорлар ширкати танловдан ташқари беш минг АҚШ доллари миқдорида грант олди. Мазкур ширкатда амалга оширилган ишлар уюшмага аъзо бўлиш лозимлигини кўрсатди. Уюшмага аъзо бўлган уй-жой мулкдорлари раислари бир кунлик семинарда ўқитилди.

Урбан-институти мутахассислари томонидан уюшмага 2 минг 202 АҚШ доллари миқдорида техник жиҳозлар тақдим этилди. Институт ишлаб чиқараётган услубий қўлланмаларни кўпайтириб, уй-жой мулкдорлар ширкатига етказиш ишлари шу ернинг ўзида амалга оширилмоқда.

Шу ойда вилоят ва шаҳар ҳокимлиги ҳамда Урбан-институти билан уй-жой мулкдоралари ширкатининг "Энг яхши фаолияти учун" танловини эълон қилиш кўзда тутилмоқда.

- Вилоятимизда 850та кўп қаватли уйлар бўлиб, 66 та уй-жой мулкдорлари ширкати бор,-деди уюшма раиси Абдуғаффор Жабборов "Туркистон-пресс" мухбирига. – Бу уйларда яшаётган аҳолининг муаммоларини ҳамкорликда ҳал қилиш бизнинг бурчимиздир. Шу вақт ичида қирқта уй-жой мулкдорлари ширкати бизга аъзо бўлди. Биз уларга моддий ва услубий ёрдам берамиз, уйларни сақлаш ва бошқаришда амалий кўмаклашамиз. Мақсадимиз, аҳоли яшаш шароитини бугунги талаб даражасида бўлишини таъминлашдан иборат.

**ХИЗМАТ**

# "ГУРЛАН"ДА ДАМ ОЛМОҚЧИМИСИЗ?

***Хоразмда барча қулайликларга эга бўлган даволаниш масканлари барпо этилмоқда. Улардаги шароит водий ва Тошкент масканларидан қолишмайди. Шундай сиҳатгоҳлардан бири – "Гурлан"дир. Маълумки, қадимдан сув бўйлари инсонлар учун энг табаррук масканлардан бири ҳисобланган.***

Хусусан, Хоразм ва Қорақалпоғистонда энг асосий сув йўли ҳисобланмиш Қилич Ниёзбой канали ҳам бугун ҳамма даврлардагига қараганда, эътиборли даражададир. Негаки, ана шу канал бўйидаги сўлим жойда "Гурлан" сиҳатгоҳи мавжуд.

Бу муҳташам сиҳатгоҳда нафақат Хоразмнинг барча шаҳру қишлоқларидан, балки Қорақалпоғистондан келган даволанувчиларни ҳам учратиш мумкин. Сиҳатгоҳнинг довруғи ошишига сабаб, бу ерда асосан асаб, қўл-оёқ, бош, бўғин, ошқозон-ичак касалликлари, шунингдек, аёлларда учрайдиган турли хил хасталиклар даволанади. Ана шу касалликлар билан даво истаб келган беморлар балчиқ ва лазер билан, турли хил гиёҳлардан тайёрланган суюқлик солинган ванналарда ва ёруғлик ванналарида, саунада ҳамда игнатерапия, парафин ва уқалаш усулларида даволанадилар.

Энг қизиғи, бу сиҳатгоҳда шифобахш булоқ сувининг борлиги ва унинг инсон саломатлиги учун ғоят фойдали эканлигидир.

Хонқалик Роҳатжон Қурбонов, шоватлик Раъно Бобожонова, гурланлик Омонбой Камоловларнинг сўзларига қараганда, "Гурлан" сиҳатгоҳида яратилган шароит, сўлим канал бўйида жойлашганлиги боис ҳам даво маскан бошқа сиҳатгоҳлардан қолишмайди.

Тиббиёт фанлари доктори, профессор Худоёр Оллоёровнинг айтишича, "Сиҳатгоҳда игнатерапия ва уқалаш усулларининг яхши йўлга қўйилганлиги туфайли ҳам "Гурлан"нинг довруғи ошган бўлса керак". Бу дунёнинг кўпгина тилларида китоблари нашр этилган тиб олимларининг сиҳатгоҳга берган холисона баҳосидир.

Табиийки, шундай довруқли соғломлаштириш маскани раҳбари Рустам Бобожоновнинг саъй-ҳаракати сабаб сиҳатгоҳда ишлар яхши йўлга қўйилган. Айниқса, эскирган иситиш тизимининг таъмирлангани, иссиқ ва совуқ сувнинг мунтазам келиши йўлга қўйилгани боис, қиш ойларида ҳам сиҳатгоҳ одамлар билан гавжум.

-Даво масканимиз даволанувчиларга намунали хизмат кўрсатиш билан бирга, бу ерга тез-тез хонанда ва қизиқчилардан иборат санъаткорларни олиб келиб, уларнинг маданий тарзда дам олишларига эътибор қаратаяпмиз. Қолаверса, шу тарзда даволанувчиларнинг руҳиятини кўтаришгаям ҳисса қўшган бўламиз, - дейди "Гурлан" сиҳатгоҳи бош врачи Рустам Бобожонов.

**Умид БЕКМУҲАММАД**

# КОРХОНАНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

***Ўзбекнинг пахтасига харидорлар сафи кун сайин кенгайиб бораяпти. "Ўзбекистонда тайёрланган" сўзининг обрўсини туширмаслик учун пахтакорларимиз юқори навли, пишиқ толали пахта етиштиришга ҳаракат қилишаётган бўлса, саноатчиларимиз ундан жаҳон андозаларига жавоб берадиган даражада юқори сифатли тола тайёрлаш учун ҳаракат қилмоқдалар. Бунинг учун ишлаб чиқаришга янги технологиялар жорий этилаяпти.***

Гулистон шаҳридаги пахта заводи қурилганига анча бўлиб, дастгоҳлари эскириб қолган эди. Бу-



нинг устига ўзига яраша муаммолари ҳам бор. Биринчиси, завод пахта етиштирувчилардан 35-40 километр узоқда жойлашган бўлиб, фақатгина транспорт харажатлари учун миллион-миллион сўм маблағ сарфланарди. Иккинчиси, вилоят марказида жойлашган завод ўз чиқиндилари билан экологик муаммо пайдо қилаётган эди. Шу боис вилоят ҳокимлиги "Ўзпахтасаноат" уюшмаси раҳбарияти билан келишиб бу заводни пахта етиштирувчилар ёнига, яъни Гулистон тумани марказига кўчиришга замонавий технологиялар билан жиҳозланган янги корхона қуришга қарор қилди. Саноатни қишлоққа олиб кириш борасида бу биринчи дадил қадам бўлди. Чунки бу корхона ишга тушса, туман қишлоқларидан камида 300 киши иш билан таъминланар эди.

-Мана шу очиқ майдонда 2003 йил бошида қурилиш ишларини бошладик, - дейди Гулистон пахта тозалаш очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси Юнус Юсупович. – Бош пудратчи этиб 4-МКК жамоаси тайинланди. Бундан ташқари ўнлаб ташкилотлар, қурилиш фирмалари кечаю кундуз иш олиб бордилар. Чунки мавсум бошигача корхонани ишга тушириш лозим эди. Қурувчилар, монтажчилар, созловчилар учун шароитларни яратиб берганимиз ва "Ўзпахтасаноат" раҳбарияти, вилоят ҳокимлигининг амалий ёрдами туфайли белгиланган муддатда корхона ишга тушди. Лойиҳа смета нархи 2 миллиард 600 миллион сўм бўлса, биз 1 миллиард 800 миллион сўмга қурдик. Бутунлай янги, замонавий технологияларни ўрнатдик. Бу маҳсулот сифатини икки баравар ошириш имкониятини беради.

Корхона "Жин ДП-130", "Линтер 5ЛП", "Меҳнат" замонавий тозалаш аппаратлари, механизмлар ва прессловчи ускуналар, электрон тарозилар билан жиҳозланди.

Корхона ишга тушгач Гулистон туманидаги Деҳқонобод, Бешбулоқ ва бошқа қишлоқлардан 280 нафар ёш йигит-қизлар бу ерга ишга қабул қилиндилар. Эндиги вазифа уларга касб-ҳунар бериб, янги механизмлар билан ишлашни ўргатишдан иборат эди.

Шу соҳада 30 йилдан бери ишлаётган корхона бош муҳандиси Иномжон Қоплонбоев шундай дейди:

-Дастлаб ёшларни 20 соатлик техника хавфсизлиги бўйича ўқитамиз, барча техника, механизмлар



иши билан таништирамиз, хавфсизлик чораларини кўрамиз, йўриқномаларга асосан кейин ишга қўямиз. Бундан ташқари инженер-техник ходимларимиз, смена усталаримиз, лаборатория ходимларимиз Тошкент тўқимачилик институти қошида, "Пахтасаноатилм" ўқув марказида ўз малакаларини оширадилар ва бу соҳада ўрганиб келган билимларини ишлаб чиқаришда қўллайдилар.

Смена усталари Анорқул Бобоқулов, Мухторхон Баҳодиров, тойловчи Камол Раҳмонқулов, созловчилар Тошпўлат Каримов, Бахтиёр Саримсоқов, Иброҳим Тожиқулов, Аброр Шойбўсинов меҳнатидан ҳамма мамнун. Той тикувчилар Эльмира Раҳматова, Фотима Шерматовалар, "ЖИН" оператори Шаҳодат Алимбоева, пахта узатувчилар Ўктам Салимов, Илҳом Ўразбоев, тола тарозбони, Ҳамида Тожибоева, чигит тарозибони Исмат Худоёровлар корхона ютуқларига муносиб ҳисса қўшиб, ёшларга устозлик қилаяптилар.

## ИСЛОҲОТ

Хўш, янги корхона ишга тушгач, унинг иқтисодий самараси, сифат кўрсаткичлари қандай бўлди.

-Корхонамиз йилига 35-40 минг тонна пахтани қабул қилиб қайта ишлаш қувватига эга, - дейди корхона раҳбари Юнус Йўлдошев. – Бу йил Гулистон туманидан 17 минг тонна пахта қабул қилиб олдик. Биринчидан, шунча пахтани Гулистон шаҳрига 35 километрга ташишга анчагина маблағ кетарди. Бу пул тежаб қолинди. Иккинчидан, сифат кўрсаткичи эски заводда 30 фоиз эди, бу ерда 80 фоиздан ошиб кетди. Кунига 40-45 тонна юқори сифатли тола ишлаб чиқарамиз. Бу янги технологияларни, механизмларни ишга туширишимиз самарасидир.

Ишлаб чиқарилган толанинг 95 фоизи экспортга кетаяпти. Биз Сайхунободдаги терминалгача етказиб бераяпмиз, у ердан керакли хорижий мамлакатларга жўнатилади. Ўтган йили 3 минг тонна тола экспортга жўнатилди. Чигитни Гулистон ёғ-экстракция комбинатига жўнатаяпмиз. 3 минг 700 тонна пахта хомашёси қайта ишланиб, ундан чиққан уруғ "Қизилобод" уруғчилик цехида дориланиб, пахтакор хўжаликларга, фермерларга бериш учун экин мавсумига тайёрланмоқда.



-Фермерлар, ширкатлар билан тузилган шартномаларга кўра топширилган ҳосилнинг 80 фоизи миқдорида пулини тўлаб бўлдик, - дейди корхона бош ҳисобчиси Ҳусан Вафоев. -Корхона ўз фаолиятини олиб боришда шартномавий муносабатларга тўла амал қилишга ҳаракат қилади. Фермерлардан олинган ҳосил бўйича ҳисоб-китоб қилиш қатъий график асосида амалга ошириляпти. Бир тонна биринчи нав пахтага 225625 сўм, 2-навга 195000 сўм пул тўланаяпти. Бу илгаригига нисбатан 51 фоиздан кўпроқ. Пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти бу йил қарийб 3700 тонна уруғлик пахта қабул қилди. Агар шу уруғлик пахта элита нави бўлса харидорга яна 100 фоиз, биринчи репродукция уруғлик пахта бўлса 75 фоиз, 2-репродукция уруғлик пахта бўлса 50 фоиз, 3-репродукция уруғлик пахта бўлса 25 фоиз устама ҳақ тўланади. Бу эса уруғлик, сифатли пахта етиштиришни рағбатлантиради. Мисол учун ўтган йили Гулистон тумани пахтакорлари асосий ҳосилнинг 95 фоизини 1-2 навларга топшириб, салкам 4,5 миллиард сўмга пахта сотдилар. Ваҳоланки, 2002 йилда бу кўрсаткичлар 2,7 миллиард сўмни ташкил қилганди.



-Яқинда корхонада тажриба тариқасида яна бир янгиликни жорий этдик, - дейди Юнус Йўлдошев, - пахта тойларини ўлчайдиган электр тарозилар компьютерга уланиб ўлчанади ва ҳисобга олинади. Чигит ҳам худди шундай. Демак, ишлаб чиқарилган тола тойлари электрон тарозига қўйилиб, унинг вазни, ишлаб чиқарилган вақти ҳисобга олиниб, бир дамнинг ўзидаёқ махсус модем орқали режалаштириш бўлимига ва ундан бир йўла "Пахтасаноат" бирлашмасининг режалаштириш бўлимига ва "Ўзпахтасаноат" уюшмаси режалаштириш бўлимига ахборот кетади. Шу заҳотиёқ алоқадор ташкилотлар қанча тола ишлаб чиқарилганлиги, уларнинг вазни қанчалиги, сифатининг қандайлиги ҳақида ахборотга эга бўлади. Бу дастур "Ўзпахтасаноат" уюшмасида янги амалий иш бўлиб, биринчи марта шу корхонада тажриба тариқасида қўлланилаяпти.

Жамоада ижтимоий масалаларга катта эътибор берилаяпти. Ишчиларнинг иш шароитларини яхшилаш, уларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун имкониятлар яратиб берилмоқда. Шу заводда ишлаб нафақага чиққан кишиларга меҳр-мурувват кўрсатилмоқда. Жумладан, 19 нафар фахрийлар қўшимча равишда корхона ҳисобидан нафақа олишмоқда. Байрам, тантанали тадбирлар уларсиз ўтмайди. Корхона маъмуриятининг касаба уюшмаси ҳамиша кам таъминланган оилалар, фахрийлар ҳолидан хабар олиб турибди. Шуниси диққатга сазоворки, пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти тумандаги мактаб-интернатни ўз ҳомийлигига олган.

Корхона маъмурияти "Меҳр ва мурувват йили"да имконият даражасида саховат ишларини амалга ошираяпти. Гулистон туманидаги 70-сон мактаб-интернатга мунтазам равишда гўшт, озиқ-овқат маҳсулотлари билан ёрдам қилиб келаяпти.

Корхона бир йилнинг ўзидаёқ катта имкониятларини кўрсатди. Ишлаб чиқариш самарадорлиги эски заводларга нисбатан 30-40 фоизга ошди, сарф-харажатлар камайди. Айниқса, транспорт харажатлари тежаб қолинадиган бўлди. Бу ерда ҳам қилиниши керак бўлган ишлар йўқ эмас. Ободончилик ишлари давом этаяпти.

-Бу йил ўзимизга ёрдамчи хўжалик ташкил қиламиз, - дейди корхона раҳбари Ю.Йўлдошев. – Албатта, ишчи-хизматчиларни ўзимизда етиштирилган маҳсулотлар билан таъминлаймиз. Деҳқонларимизнинг ҳосилига барака берсин. Йилига 40 минг тоннагача пахтани тозалаб қайта ишлаш имкониятимиз бор. Ўтган йили 17 минг тонна пахтани қабул қилиб олган бўлсак, бу йил 2 баравар ошишига умид қилиб турибмиз. Деҳқонларимизда ҳосил кўп бўлса, бизда ҳам иш ҳажми ошади.

**Шомурод ХОЛМУРОДОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти"**
**мухбири.**




## ТЕРРОРНИНГ АМАЛГА ОШМАГАН УСУЛИ

***Вашингтондаги АҚШ Конгресси идорасига Республикачилар партияси бошлиғи Билл Фрис номига ўта кучли модда - рицин билан заҳарланган почта келган.***



Бино хизматчилари, конгрессменлар эвокуация қилиниб, экспертлар томонидан бинонинг ҳар бир қаричи кузатувдан ўтказилган. Рицин заҳари инсон организмига 48 соатдан сўнг ўз кучини кўрсатади ва беморни шубҳасиз ҳалок этади. Бундай заҳарларга қарши ҳалигача бирон-бир антибиотик ихтиро қилинмаган.

Федерал Қидирув Бюроси фикрича, бу иш "Ал-Қоида" террор ташкилотига тегишли бўлиши ҳам мумкин экан. Бундай гумонга асос қилиб, 2001 йил 11 сентябр воқеаларидан сўнг АҚШ расмийларининг идораларига бир неча марта келган заҳарланган хатларни мисол қилиш мумкин.

## ТУРКИЯДАГИ ФОЖИА

***Туркиянинг Коне шаҳридаги 11 қаватли уй иситиш мосламасининг портлаб кетиши оқибатида қулаб тушган. Ҳозирча 15 кишининг жасади вайроналар остидан олиб чиқилган.***



Тахминларга кўра, қулаб тушган уй остида юзга яқин одам бўлиши мумкин. Турли кўринишда жароҳат олган 30 нафар киши шифохонага ёткизилди. Айни вақтда қутқарув гуруҳи ходимлари кеча-ю кундуз ишлашмоқда.

## "МАЙ-ДУМ" ВИРУСИ

***Мана бир неча кундирки, бутун дунё Интернет сайтларида тарқалган "Май-дум" вируси ўз бузғунчилигини амалга ошириб келмоқда.***



Мутахассисларнинг фикрича, бу турдаги вирус аввалгиларига нисбатан ўта кучли экан. Унинг келтираётган зарари бир неча миллион АҚШ доллари миқдорида ҳисобланмоқда. Ҳозирга қадар "Май-дум" миллионга яқин шахсий компьютер ва мингдан зиёд компания сайтларини ишдан чиқарган.

## КЕЛИШУВЛАР ҲАЛИ ДАВОМ ЭТАДИ

***Шимолий Корея ахборот агентликларининг тарқатган маълумотларига кўра, Корея Халқ Демократик Республикаси ядровий дастурлари борасидаги янги келишувлар олиб бориш ҳаракатида экан.***



Жорий йилнинг 25 февралида Пекин шаҳрида ушбу масала бўйича Жанубий Корея, Шимолий Корея, Хитой, Япония, АҚШ ва Россия давлатлари ўртасида музокара бошланади.

Айтиб ўтиш жоизки, бундай келишув 2003 йилнинг август ойида ҳам ўтказилиб, АҚШ, Япония, Жанубий Корея давлатлари Шимолий Кореядан ядровий дастуридан бутунлай воз кечишини талаб қилишган эди. Лекин натижалар кутилган самарани бермаган эди.

## ТАЙВАНДА ЗИЛЗИЛА

***Синьхуа ахборот агентлиги тарқатган маълумотида келтиришича, Тайваннинг Хуалян шаҳридан 76 километр узоқликда кучли зилзила рўй берган.***

Тайван метеорология бюросининг маълумотига кўра, ер силкиниши Рихтер шкаласи бўйича 6,0 баллга етган.

Талафот ва вайронагарчиликлар хусусида ҳозирда маълумотлар йўқ. Айни вақтда Тайван сейсмик ҳудуд ҳисобланмоқда ва зилзила оқибатида вужудга келиши мумкин бўлган офатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда. Эслатиб ўтамиз, 1999 йил сентябр ойида Тайванда содир бўлган 7,6 балли зилзила 2 минг кишининг умрига зомин бўлган эди.

## ФРАНЦИЯДА ЯНГИ ҚОНУН

***Франциянинг пойтахти Парижда жамоат жойларда диний кийимлар кийиб юришни тақиқловчи янги қонунлар муҳокамаси борасида давра суҳбати бўлиб ўтадиган бўлди.***

Ҳозирча 140 га яқин депутат учрашувда қатнашиш учун рўйхатдан ўтган. Оммавий сўровлар натижасига кўра, аксарият французлар бу турдаги қонунларни қўллаб-қувватлашган, лекин Париж ва бошқа вилоятлардаги мусулмонлар бунга ўз норозиликларини намоён этишган.

## ЯНА БИР НОМЗОД

***АҚШда бўлиб ўтадиган президентлик сайловида президент Жорж Бушга янги асосий рақиб бўлиб Жон Керри майдонга чиқди.***



АҚШ дамократлар партиясидан президентлик курсисига ўз номзодини қўйган Жон Керри 2004 йил 3 феврал куни Миссури, Аризона, Шимолий Дакота, Делавер ва Нью-Мексико штатларида бўлиб ўтган партияларaро сайловолди овоз беришларда ғолибликни қўлга киритди.

## ҚЎЛГА ТУШДИ

***Россия Федерацияси ички ишлар вазирининг ўринбосари Александр Чекалиннинг сўзига қараганда, "Кисловодск – Минводы" йўналишида ҳаракат қилган электропоездда терактни амалга оширган террорчи қўлга олинган.***



Жиноят тафсилотлари тўла очиб ташланган. Поездга портловчи моддани Чечинистоннинг Шатой шаҳри фуқароси ўрнатган экан. Эслатиб ўтамиз, "Кисловодск – Минводы" йўналишидаги электропоездда 2003 йил 3 сентябр куни портлаш содир этилган бўлиб, 6 киши ҳалок бўлган ва 80 йўловчи яраланган эди.

**ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида**
**Шермат САНАЕВ тайёрлади.**

*Муҳтарам юртдошлар ва Ўзбекистон меҳмонлари !*

**Шу йилнинг 23 январидан бошлаб**

**ТОШКЕНТ - САМАРҚАНД - ТОШКЕНТ**

**йўналиши бўйлаб ҳаракатланадиган 6 вагондан иборат тезюрар, барча қулайликларга эга бўлган йўловчи поезди қатнови йўлга қўйилди.**



***Сафар давомида Сизга қиймати чипта баҳосига кирган нонушта ёки кечки овқат таклиф қилинади. Қисқа муддатли сафар давомида керак бўлган барча сервис хизматлари кўрсатилади. Хоҳишингизга кўра, қўшимча тўловга ёдгорликлар тўплами, совғалар харид қилишингиз, видеофильмлар ва мусиқали клипларга буюртмалар беришингиз мумкин.***

***Поезд Тошкентдан эрта тонгда, Самарқанддан эса кечқурун йўлга чиқади ва сизда кун давомида Самарқанднинг диққатга сазовор жойларини томоша қилиш имкони бўлади.***

***Йўловчи поезди катта тезлик билан ҳаракатланиб(автомобиль транспортидан тез) сизларни Самарқандга етказиб,Тошкентга қайтиб олиб келади.Ҳар бир вагон купелари алоҳида бўлиб, уларда 6 тадан юмшоқ ўриндиқли креслолар ўрнатилган.***



***Сафар давомида сизга оилангиз ва дўстларингиз билан вақтингизни чоғ ўтказишга имкон яратилади. Купе деразасидан Ўзбекистон табиати ва унинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишингиз мумкин.***





МАЪЛУМОТЛАР ХИЗМАТИ:
**005, 199-72-15.**
ВОКЗАЛ БЎЙИЧА НАВБАТЧИ
**199-72-16.**
МАЪМУР
**199-76-27.**

Йўловчи поездининг ҳаракатланиш жадвали

| Поезд № | Маълумот | Бошланғич манзилдан жўнаб кетиш куни ва вақти | Белгиланган манзилга етиб бориш куни ва вақти |
|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент-Самарқанд | 6:50 | 10:50 |
| 2. | Самарқанд-Тошкент | 17:00 | 21:00 |

*Сафарингиз мароқли ўтсин!*

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»ДАТК
«ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ» ОАЖ

